

# ЎЗГАРУВЧАН ЭЛЕКТР ТОКИ БИЛАН ИШЛОВ БЕРИШНИ УЗУМ НОВДА ҚАЛАМЧАЛАРИ ТУТУВЧАНЛИГИГА ТАЪСИРИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ

Электромагнит майдоннинг иссиқлик таъ-  
сирдан ташқари, унинг механик, кимёвий таъ-  
сирлари ҳам мавжуд ва биологик системаларга нисбатан  
маълум бир таъсирга эга. Биологик объектга электр таъ-  
сир кўрсатишда электр энергиясини ўзгартириб ёки бево-  
сита “ноиссиқлик” таъсирларидан фойдаланиш мумкин.  
Маълумки, бирон бир муҳитга киритилган энергияни бир  
қисми ишлов берилаётган жисм томонидан ютилади, бир  
қисми ўтиб кетади ва бир қисми қайтади (1-расм).  
Электр ишлов беришда бажариладиган иш ютилган  
энергия ҳисобига бўлади. Шунинг учун ҳам технологик  
жараёнларга энергияни киритишда турли самарали усул-  
ларни қўллаш ва уларни тўғри танлаш муҳим босқичлар-  
дан бири ҳисобланади.

[Full text](#)